



ТОШКЕНТ

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 17 апрель, шанба

• №32 (11.627)

• Эркин нархда сотилади

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига

Азиз дўстлар!

Сизларни «Ўзбекистон металлургия комбинати» ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатингиз, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига қўшаётган бебаҳо ҳиссангиз учун Сиз, бирлашма меҳнат жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман.

Бугунги кунда мамлакатимиз эришган ютуқларда «Ўзбекистон металлургия комбинати»нинг алоҳида ўрни бор ва у саноатимиз тарққиётида белгиловчи роль ўйнамоқда. Мартен цехини ишга тушириш билан ўз тарихини бошлаган бирлашма ҳозирга келиб муттасил ривожланиб бораётган улкан корхонага айланди. Бу корхона ҳар йили амалда барча тармоқлар учун зарур бўлган 500 минг тоннага яқин тайёр прокат ишлаб чиқармоқда.

Бекободлик металлургиялар жонажон комбинати Ўзбекистон оғир саноатининг етакчи корхонаси эканлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Айниқса ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, сизларнинг ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини фақат сақлаб қолмасдан, балки уни юксалтира олганингиз таҳсинга сазовордир. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтира бориб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш дастурини рўйбга чиқариб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йиллари мобайнида комбинат мамлакатимиз бозорида ва хорижий металл прокат ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз макеини мустаҳкамлаб, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқда. Сизлар электрда пўлат эритиш комплексини реконструкция қилиш ишларини якунлаб, энг илғор технологияларга таянган ҳолда комбинатни техник жиҳатдан қайта қуrollантиришни давом эттираётганингиз, ўзингизни бозор муноса-

батлари шароитида тобора дадилроқ ҳис этаётганингиз менга қувонч бахш этади.

Шулар қаторида комбинат меҳнат аҳли ўз корхонасининг Бекобод шаҳри ҳаётида ўзига хос муҳим ўрин тутишини англаб, ижтимоий соҳани ҳам изчил ривожлантириб бораётгани, аҳолининг самарали меҳнат қилиши ва яхши дам олиши учун шарт-шароитларни вужудга келтираётгани диққатга сазовордир.

Бу ерда ўтган йиллар мобайнида кўп миллатли аҳил, иноқ жамоа ва унда фуқаролик бурчини чуқур ҳис қилиш, уни юракдан адо этишга, Ватанга наф келтиришга интилиш каби бирлашма меҳнаткашларига хос олижаноб фазилатлар шаклланди. Шу боисдан ҳам комбинат меҳнат аҳли энг мураккаб вазифаларни уddалашга қодир бўлиб, эл-юртимиз ҳурматини қозонмоқда. Ҳозир бу ерда кўп йиллардан буён ўз тақдирини ушбу корхона билан боғлаган одамлар, меҳнат сулоалари фаолият кўрсатиб, ўзларининг юксак маънавий қадрият ва инсоний фазилатларга асосланган ҳаёт тажрибаси ва касб маҳоратини ёшларга сингдирмоқда. Жамоангизнинг ғоят катта бунёдкорлик кучи мана шунда ва бу эса янги меҳнат зафарларига эришишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ишончим комилки, сизлар учун бугунги шонли сана – қўлга киритилган ютуқларга якун ясаш, уларни таҳлил қилиш палласи бўлиб қолмасдан, мавжуд муваффақиятларни мустаҳкамлаш, келгуси ривожланиш истиқболларини белгилаб олиш имкониятини беради.

Қадрли дўстлар, сизларнинг ажойиб жамоангизни яна бир бор чин дилдан самимий қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, хонадонларингизга қут-барака, эзгу ишларингизни амалга оширишда зафарлар тилайман. Сизларга омад ёр бўлсин, ҳалол ва фидокорона меҳнатингиз доимо самара ва қувонч келтирсин.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг металлургия саноатини ривожлантириш, иқтисодий қудратини юксалтириш, ислохотларни амалга оширишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**«Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
саноат ходими»**

Муротов Акрамжон –
кислород-компрессор цехи-

нинг участка бошлиғи

Руцкий Вячеслав Федорович – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандис ўринбосари, муҳандислик маркази раҳбари

Тўйчиев Алим Исмоилович – электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси

Хасанов Айрат Магарифович – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг тижорат ва молия масалалари бўйича ўринбосари.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

МОСКВА. 15 апрель. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Россия Президентининг Ново-Огарёводаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатларига оид, минтақавий ва томонларни қизиқтирган халқаро масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Владимир Путинни президент сайловида ғалаба қозонгани муносабати билан яна бир бор қутлади. Унинг ғалабаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия алоқаларни ҳар томонлама ривожлантирмоқда. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Президентлар бу миқдорни янада ошириш имкониятлари мавжудлигини таъкидладилар. Айниқса, нефть-газ, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш мумкин.

Мунтазам давом этаётган олий даражадаги мулоқотлар Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва

Шанхай ҳамкорлик ташкилати доирасидаги алоқалар кенгаётганини таъкидладилар. ШХТнинг жорий йил июнь ойида Тошкентда бўладиган саммитига тайёргарликка оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Россия раҳбари яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Президентлар террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш юритилганда кутилган самара беришини таъкидладилар.

Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон-Россия муносабатлари бундан буён ҳам ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи кеча ниҳоясига етди.

УЧ ОЙДА 28 КОРХОНА

Ангренда «Кулол-махсус керамика» шўъба корхонаси иш бошлади. «Кулол» очиқ акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган бу корхонада қирқ нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу ерда Ангрен каолинидан тайёрланаётган юқори сифатли маҳсулотларга хорижда ҳам харидорлар бор.

Шаҳарда йилнинг ўтган уч ойи мобайнида ана шундай 28 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтди. Уларнинг ўнтаси кичик корхона, ўн саккизтаси микрофирмалардир. 340 нафар киши яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатда ўз низоми жамғармасини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия аввало, корхоналарнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун зарур чораларни кўрмоқда. Фаолият йўналишини қайта кўриб чиқиш, юридик маслаҳат бериш, кредит олиш борасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Натижада йилнинг дастлабки чорагида «Дорилфунун», «Саломат-Наргиз», «Лобар», «Содиржон-Барака», «Соғлом», «Асп» каби йигирмага яқин кичик корхона ва хусусий фирма банкдан янги ҳисоб рақами очиб, фаолиятини қайтадан йўлга қўйди.

ЎЗА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ
ГАЗЕТАНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз: **Обуна давом этмоқда**

Бизнинг
индекс – 205.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга самарали ҳисса қўшгани, металлургия саноатига илғор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштиришда эришган ютуқлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Фармонов Александр Қосимович – Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдурахмонов Ботирали Исматович – автомобиль-транспорт цехининг ҳайдовчиси
Вильмс Пётр Яковлевич – электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси

Дўсмутов Абдумажит Абдусаматович – 1-навли прокат цехининг вальцовшиги

Кишкань Любовь Ивановна – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг капитал курилиш

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлари бўйича ўринбосари
Османов Рустем Усеинович – электрда пўлат эритиш цехи бошлигининг ўринбосари
Холматов Абдуазиз Абдуназарович – курилиш-монтаж трести бошқарувчиси
Йўлдошев Равшан Абдураимович – металлургия печларини таъмирлаш цехининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Аблязизов Эдем Решатович – 2-навли прокат цехи бошлигининг янги технологияларни жорий этиш бўйича ўринбосари

Агнивин Павел Владимирович – электрда пўлат эритиш цехининг катта устаси

Арипов Вячеслав Сафандович – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий лабораторияси бошлиғи

Бадалов Суннат Сайдуллаевич – 1-навли прокат цехи бошлиғи

Ёкубов Карим Ғофурович – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош иқтисодчиси

Ким Трофим Владимирович – электрда пўлат эритиш цехи бошлигининг механик асбоб-ускуналар бўйича ўринбосари

Капленко Сергей Трофимович – назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика цехининг катта устаси

Копя Николай Валентинович – 2-навли прокат цехи вальцовшиги

Курносова Лидия Ивановна – алоқа ва технологик бошқарувни марказлаштириш цехининг электр монтажчиси

Лысенко Александр Семёнович – электротехника лабораториясининг электр монтажчиси

Мадалиев Баходир – мартен цехининг устаси

Миркурбанов Миркамол Акбарович – «Тошкент иккиламчи қораметалл» Сирғали цехи кесувчиси

Халибаев Асан Джепарович – 1-механика-таъмирлаш цехининг таъмирловчи-чилангари

Чекалова Людмила Павловна – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-болалар боғчаси мудираси

Шуваев Борис Яковлевич – 1-навли прокат цехи бошлигининг ўринбосари

«Шухрат» медали билан

Баратов Умид Усанбаевич – 2-навли прокат цехининг

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 14 апрель.

НОТАРИУСЛАР СЕМИНАРИ

Вилоят адлия бошқармасида шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган давлат ва хусусий амалиёт билан шугullanувчи нотариусларнинг навбатдаги семинари йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ш. Ҳақназаров бошқариб, 2004 йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Семинарда адлия бошқармаси бошлиғи Б. Отаматов, ИИБ ЙОХБ бошлиғи А. Ҳамидуллаев ва туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимлари бошлиқлари қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 28 августдаги «Автотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солиш тўғрисида»-ги 354-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ва бу борадаги айрим муаммолар бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Вилоят ҳокимлигига

Вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари мажмуининг 2004 йил биринчи чорақ якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджоновна бошқарди.

Унда вилоят ҳокимлигининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мақсадли дастури ҳамда «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурининг чорақ давомидида ижроси, оилада, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, шу йилнинг биринчи чораги давомидида қатор ишлар қилинди. Хусусан, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва давлат дастурларини бажариш юзасидан аниқ иш режалари тузилиб, амалга оширилди. Жумладан, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёқарашларини шакллантириш мақсадида уюштирилган «Замона ёшлари ва ахлоқий муҳит», оилани соғломлаштириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган «Соғлом оила, соғлом фарзанд» мавзуларида, шунингдек, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Намунали оила» танловлари ўтказилди.

Ана шундай тарғибот ва ташвиқот ҳамда амалий ишларнинг натижаси ўла-

роқ хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчилик, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, нотинч оилалар ва ажримлари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайишига эришилди.

Бирок, ижросини топаётган кўплаб амалий ишларга қарамай бир қатор муаммолар ҳамон ўз ечимини кутаётди. Хусусан, айрим ҳудудларда беморларга аниқ ташхис қўйиш ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналарнинг эскириб қолганлиги ҳамда тиббий хизмат сифатининг пастлиги кузатишмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ана шундай камчиликларни бартараф этиш учун вилоят ҳокимлиги томонидан жойларда туғруқ мажмуаларида аёллар маслаҳатхонасини ташкил этиш, ультратовуш ва электрокардиограф аппаратлари, шунингдек, туғруқхоналар қошидаги реанимацион-гамотазиологик марказларини ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва автотранспорт воситалари билан таъминлаш, соҳадаги бошқа қатор муаммоларни ҳал этиш мақсадида маблағ ажратилиши режалаштирилди.

Йиғилишда шунингдек, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуига тегишли комиссиялар фаолияти ҳам муҳокама этилди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МАЖМУАЛАР ЙИҒИЛИШИ

Вилоят ҳокимлигида капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш мажмуининг 2004 йил биринчи чораги якунлари ва иккинчи чорақда амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бошқармалари, буюртмачи қурилиш ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Шавкат Қосимов бошқарди.

Таъкидланганидек, 2004 йилнинг биринчи чораги даврида мажмуа тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш суръатини ошириш, капитал қурилиш, коммунал хўжалигидаги аҳоли барқарорлаштириш юзасидан салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, саноат корхоналари томонидан амалдаги нархларда 281,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,2 фоизни ташкил этди. Истеъмом моллари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати 106,6 фоиз бўлди. Ҳисобот даврида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилди. Ишлаб чи-

қаришни маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2004 йилнинг биринчи чорагида лойиҳадаги 12 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоятда капитал қурилишдаги ислохотларни чуқурлаштириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Барча молиявий маблағлар ҳисобидан 40,5 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди ёки 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 147 фоизга бажарилди. 56,3 минг квадрат метр уй-жойлар, 54,7 километр табиий газ, 10,2 километр ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари билан тасдиқланган корхона ва объектларни хусусийлаштириш ҳамда сотиш бўйича ишлар давом этмоқда. Дастлабки уч ой давомидида уларнинг 38 таси тўлиқ сотилди ва хусусийлаштирилди. Шу кунга ижтимоий объектлар, хусусан, касб-хунар коллежлари, болалар спортиншоотлари ва тиббиёт муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, коммунал соҳадаги ислохотларнинг жойлардаги натижалари ҳам чуқур муҳокама этилди ва фикрлар билдирилди.

Йиғилишда асосий эътибор амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда соҳаларда белгиланган дастур ва чора-тадбирларни бажаришда йўл қўйилмаётган камчиликлар ва фойдаланилмаётган ички имкониятларга қаратилди. Хусусан, вилоятдаги 41 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига йўл қўйилган. Капитал сармоялар бир қатор шаҳар ва туманларда режадагидан кам ўзлаштирилган. Мажмуа мажлисида йилнинг иккинчи чорагида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идоралар ва ҳокимликларга аниқ вазифалар қўйилди. Айниқса, объектлар қурилишида бош режалар ва қоидаларга ҳамда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатига алоҳида масъулият билан ёндошиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

КОРТ ИШ БОШЛАДИ

Ўртачирчиқ туманидаги Олим Аширов номли марказий ўйингоҳ тўла қайта таъмирланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Яқинда эса, бу ерда янги теннис корти майдони ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу спорт майдони туман ҳокимлиги ва маҳаллий тадбиркорлар маблағлари ҳисобига бунёд этилди. Ҳозир бу ерда ёшлар теннис билан шугуллана бошладилар.

Равшан РУСТАМОВ.

ИККИНЧИСИ МЕЗОНДА

Янгийўл шаҳридаги Мезон ҳамда Охунбобоев номли маҳаллалар аҳолиси учун янги майиш хизмат кўрсатиш шохобчалари очилди. Чунончи, Охунбобоев номли маҳалла гузарига тадбиркор М. Мирзаев томонидан 16 нафар ишчи ўрнига эга гўзаллик салони ташкил қилинди. «Ҳосилот» хусусий фирмаси эса, Мезон маҳалласида сартарошхона очиб, 6 нафар кишини иш билан таъминлади.

Ўз муҳбиримиз.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

Маънавият нашриёти илк бор қозоқ тилидаги китобларни нашрдан чиқарди. Хусусан, «Ватан туйғуси» номли китобнинг 5 минг нусхаси ўқувчилар қўлига етиб борди. Бундан ташқари қозоқ тилида таълим берувчи мактаблар учун дарсликлар ҳам нашр этилмоқда. Жумладан, физика, она тили, кимё, қозоқ тили, алгебра, ботаника ва табиатшуносликка оид бошқа китоблар ўқув муассасалари кутубхоналарига жўнатилди.

Нашриёт ходимлари қозоқ тилидаги бадий адабиётларни ҳам ўқувчиларга тақдим этиш ниятдалар.

СУРАТДА: қозоқ тилидаги дарсликлар.



19 апрель – Илм-фан куни



Сўнгги йилларда вилоят педагогика билим юртида талабаларнинг дарслик ва соҳага оид адабиётларга бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилмоқда. Шунинг учун, институт кутубхонаси талабалар билан доимо гавжум.

Бугунги кунда айниқса ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий мавзудаги янги адабиётларга билим юрти талабалари орасида талаб катта.

СУРАТДА: талабалар институт кутубхонасида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЎЗА.

КУТУБХОНА ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида илмий кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мазкур кутубхона мамлакатимиздаги энг йирик илмий муассасалардан ҳисобланади. Унинг китоб хазинаси нафақат юртимиз, балки хорижлик олимларнинг илмий изланишлари бўйича тўпланган манбалар билан ҳам бойитиб борилмоқда. Бу ерда беш миллиондан зиёд нашр мавжуд.

Кутубхона Интернет тармоғига уланган, унинг электрон каталог маълумот базасига қарийб ўттиз мингга яқин нашр жойлаштирилган. Фанлар академияси тизимидаги бешта илмий-тадқиқот институти олимлари Асосий кутубхонанинг ахборот ресурсларидан ўз компьютер тармоқлари орқали фойдаланиш имконига эга.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими томонидан шу кунларда минглаб туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрланмоқда.

КЎЧАТЛАР БЕПУЛ

Улар шаҳардаги мактаб, маҳалла, коллеж, болалар боғчаларига бепул тарқатилаёпти. Бундан ташқари, бўлим ходимлари томонидан эҳтиёжга қараб, илгаридан тайёрлаб қўйилган турли хил гул уруғлари ҳам етказиб берилаётир.

Шокир ТЎҒОНОВ.

ВАТАН МЕҲРИ ҚАЛБИМИЗДА

Чиноз туманининг Ёвош маҳалласида жойлашган 21- мактабда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ёшлар қўмитаси раиси Азамат Зиё билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзусига бағишланган ушбу мулоқотда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган турли саволларга жавоблар олишди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари эса, ўқувчиларга спорт анжомлари ҳамда ўқув куроллари инъом этишди.

Асқар КАМОЛОВ.

КОРИНГГА ЯРАСАК БАХТЛИМИЗ

Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги қарорига мувофиқ чақирилувчиларни умумий мажбурий ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервида жўнатиш ишлари намунали олиб борилмоқда.

Шу пайтгача Ички ишлар вазирлиги, чегара қўшинлари, миллий хавфсизлик хизмати ва қуруқликдаги қўшинларга лозим бўлган ёшлар хизматга жалб этилмоқда. Шаҳарда Чирчиқ олий танк қўмондонлари ва муҳандислари билим юрти фаолият юритаётганлиги боис маҳаллий ёшларнинг кўпчилиги ўзларини болаликданок зобитликка тайёрлашади. Шу мақсадда мудофаа ишлари бўлими мутахас-

сислари мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг шаҳар кенгаши ходимлари билан ҳамкорликда йигитларнинг ҳарбий соҳадаги билимларини орттиришга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Олиб борилаётган ҳарбийлаштирилган спорт машғулотида давомиди эса, йигитларнинг Ватан, она-тупроққа бўлган меҳр-муҳаббатига янада кучаймоқда.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

УСТОЗЛАР БАҲСИ

Қуйичирчиқда «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўриктанловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақанинг худудий баҳсларидан муваффақиятли ўтган ўқитувчилар танловнинг бир қатор шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

17-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Муаззам Кимсанова ўзининг ҳар томонлама зукко, билимдон эканлигини намойиш этди ва ҳакамлар томонидан, биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Энди у танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

Ўз мухбиримиз.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Қибрай туманида маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги ушбу тадбир «Авлодлар учрашуви» деб номланди.

Унда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, кексалар ҳамда ўсмир йигит-қизлар иштирок этиб, жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши курашиш масалаларида ўзаро фикрлашдилар.

Кеча якунида намойиш этилган «Мунис онам» фильми иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

Қарор ва ижро

ПУЛ АЙЛАНМАСИГА ТЎСИҚ ҚЎЙМАЙЛИК

Гоҳида, кўча қўйда таниш-билишлардан иш ҳақимизни ўз вақтида беришмаяпти ёки пенсия ва бошқа нафақаларни вақтида ололмаяпмиз, деган эътирозли гапларни эшитиб қоламиз. Нақд пуллارнинг банкдан ташқари оқими вужудга келганлиги бундай ҳолатнинг бош сабабчиси, дейишимиз мумкин.

Гап шундаки, айрим шахсларнинг атайлаб ўз даромадларини яшириши, солиқ тўловидан қочиши, нафақат миллий валютаимиз қадрининг пасайиши, балки унинг тўпланиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг талаблари Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси зиммасига янада катта вазифалар юклади.

Вилоят бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари томонидан ушбу қарор талабларининг бажарилишини таъминлаш чоралари қўрилаётир. Ўтказилаётган текширишларда нақд пул тушумини яширишга оид ҳуқуқбузарликларга чек қўйилиб, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирлари қўрилмоқда. Йил бошидан шу кунга қадар 56 та қонунбузарлик ҳолатлари содир этилиб, жами 217 миллион сўмдан ортиқ ноқонуний пул айланмаси юз бер-

ганлиги аниқланди. Булар назорат касса аппаратида фойдаланмаслик, истеъмолчиларга харид чекини бермаслик, кунлик тушуми назорат касса аппарати фиксал хотирасига киритмаслик ва савдо пуллари банкка топширмасликка оид ҳолатлардир. Чунинчи, 68,7 миллион сўм миқдоридида пул маблағлари назорат касса аппаратида ўтказилмаган, 121,4 миллион сўм савдо пуллари яширилган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 264-сонли қарорининг 3-бандига асосан аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган корхоналар ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумини яшириш ҳолати аниқланган тақдирда белгиланган тартибда яширилган нақд пул тушуми миқдоридида жарима солинади. Шу маънода 41 та ҳолат юзасидан маъмурий иш қўзғатилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 3,6 миллион сўм маъмурий жарималар қўлланилди. 15 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Ҳўш, нақд пул тушумига тушов бўлаётганлар аслида ким-

лар? Олмалиқ шаҳар Ойдин дехқон бозорида жойлашган савдо дўконининг эгаси хусусий тадбиркор Раъно Расулова фаолияти Олмалиқ шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан текширилганида унинг газнасида нақд 854 минг сўм савдо пули борлиги аниқланган. Дўконда мавжуд бўлган назорат касса аппарати ҳисоботи олинганда эса, унда фақатгина 120 минг сўм пул ўтказилганлиги ошкор бўлди. Раъно Расулова қолган савдо пулини назорат касса аппаратида ўтказмаган. Шунингдек, бўлим ходимлари томонидан Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 72 минг 200 сўмлик 118 шиша спиртли ичимлик ва 99 минг 600 сўмлик 249 қути акциз маркаси бўлмаган «PINE» сигаретлари савдога қўйилганлиги аниқланди, улар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Агар тадбиркорнинг қинғир ишларини Олмалиқ шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари вақтида фош этишмаганда Раъно Расулованинг қонунбузарлиги янада авж олиши тайин эди.

Бундай ҳолатлар ягона эмас, албатта. Оҳангарон шаҳридаги «Элит-ЛТД» фирмаси Оҳангарон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ва шаҳар давлат солиқ инспекцияси

ҳамкорликда ўтказган текширув чоғида бир неча ой давомида нақд пул айланмасига доир ҳуқуқат қарорлари талаблари бузиб келинганлиги маълум бўлди. Яъни фирма раҳбари Бахтиёр Орипов давлат солиқ инспекциясига 2003 йилдаги фаолиятдан 100 миллион сўм ҳисобот топширганлиги, кейинчалик ваколатли банкдан маълумот олиниб, топширилган ҳисобот билан таққослаб кўрилганда, унинг пул айланмаси 5 миллиард 684 миллион 384 минг сўм эканлиги аниқланди. Демак, у давлат бюджетига 99 миллион 334 минг 400 сўм мажбурий тўловларни тўламагандан келган.

Албатта, бундай қонунбузарлик ҳуқуқбузарларнинг ўзларига қимматга тушмоқда. Чунки, солиқ тўлашдан қочган, қонунни бузиб, савдо пулини ёки хизмат ҳақини назорат касса аппаратида ўтказмасдан ёки харидорга чек ёзиб бермасдан, белгиланган муддатларда банк кассасига топширмасдан юрган фуқаролар сири фош бўлиб, етказилган зарарини жаримаси билан тўлашмоқда. Бундан уларга нима фойда? Ҳам бойлигидан, ҳам обрўсидан айрилгандан кўра, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиб, давлат хазинасига солиқларни ўз вақтида тўлагани маъқул эмасми?

Зотан нақд пул иқтисодиёти-мизнинг қон-томири ҳисобланади. Уларнинг қонуний йўллар билан банкларда жамланиши эса, давлатимиз иқтисодиётининг тараққиётини, қолаверса, халқимиз турмушининг тўқислигини таъминлайди.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
Абдулатиф АБДУМАЖИДОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг масъул ходимлари.

Dushanba

19

«Ўзбекистон»

15.00 «Тахлилнома».
15.45 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача».
16.05 «Дастурхон
атрофида».
16.20 ТВ клип.
16.30 «Ёз ифори».
Телесериал.
17.40 «КиноТеатр».
18.00 Янгилар.
18.10 «Ўзбектеле-
фильм» премьераси:
«Ўзбекистон кулол-
чилиги»: «Олтин
водий усталари». 1-
фильм.
18.40 «Дунёқараш».
19.00 Бир жуфт
қўшиқ.
19.10 «Мулкдор».

19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 Биржа ва банк
хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Гумрохлик
окибати». Хужжатли
фильм.
21.20 «Қўшиқларда
қолган сатрлар».
21.45 2004 йил - Мехр
ва мурувват йили.
«Химмат».
22.05 «Титаник».
Бадий фильм. 1-қисм.
23.40 «Ахборот-
дайжест».
24.00-00.05 Ватан

тимсоллари.

«Ёшлар»

17.30 Кўрсатувлар
дастури
17.35 «Давр» ҳафта
ичида
18.05 «Янги авлод»
почтаси
18.25 Қўёшли юрт
одамлари
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» - репор-
таж
19.45 ТВ-анонс
19.50 «Мехр кўзда».
Мақтубларга шарҳ
20.10 Мусликий лаҳза
ва мурувват овози
20.15 Ёшлар овози
20.35, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.40 «Ёшлар» телека-
налида премьераси:
«Ёлгон асираси»
Телесериал

21.30 Қишлоқдаги
тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телека-
налида спорт дастури:
Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарла-
ри».
18.00, 20.40 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломат-
лиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.55,
21.35 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».

19.20 ТВда сериал.
«Бебилиска пул».
20.20 «Мурувват».
21.15 «Ўзбектеле-
фильм» студияси
намойиш этади:
«Сато».
21.55 Кинонигоҳ.
«Мушкетёрлар 20
йилдан сўнг». 1-2-
сериаллар.
00.10-00.15 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар» (ўзбек
тилида).
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида).
9.00 «Том ва Жерри».
Мультфильм.
10.20 Кураш. Республи-
ка турнири.
10.50 Теннис бўйича
Фючерс халқаро

турнири.
11.20-13.10 Д.Харатьян
ва Л.Федосеева-
Шукшина «Филиал»
комедиясида.
16.55 Кўрсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида).
17.15 «Спорт-ант-
ракт».
17.20 Кутқарувчилар:
«Тезкор чакирув».
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир
ювиш».
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Болалар
спорт».
20.45 «Спортимиз
маликалари».
21.00 «Хабарлар»
(ўзбек тилида).
21.15 «Бизнес-ревью».
21.20 «3 - тайм».
21.40 «Спорт ҳафта-
си».

22.10 Жаҳон спорти:
«Профф-РИНГ».
23.10 «Sport TV»да
кино: «Елғиз эркак
учун тузоқ». Бадий
фильм.
00.40 «Тунингиз
осуда бўлсин!».

30-канал

16.55 гаца профилактика
ишлари
16.55 Открытие про-
граммы 17.00 «Детский
час» 18.00 «Теле-хам-
кор» 18.30 Киновечер на
«30-м»: «Осен в Нью-
Йорке», остросюжетный
фильм 20.00 «Ошико-
на», мусикий дастури
20.20 «Мангуст», сери-
ал 21.10 «Спокойной
ночи малыши» 21.30
«Теле-хамкор» 22.10
Киновечер на «30-м»:
«Корабль Лунный гон-
щик», остросюжетный
фильм 24.00 Программа
передач

Seshanba

20

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто команда-
сининг сув ости
саргузаштлари».
Хужжатли телесериал.
9.50 Мусликий танаф-
фус.
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгилар.
10.05 «Камалак».
Болалар учун кинода-
стур.
11.30 «Мулкдор».
11.45 «Гумрохлик
окибати». Хужжатли
фильм.
12.05 2004 йил -
Мехр ва мурувват
йили. «Химмат».
12.25 Симфоник
музыка дунёси.
12.45 «Қишлоқ
хаёти».
13.05 «Мерос».
Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Муносабат».
14.40 Кундузги сеанс:
«Жаҳонгашта
рицарь». Бадий

фильм. 1-қисм.
16.05 «Бизнес-ҳафта».
16.20 «Қўшиғим - жон
қўшиғим».
16.45 ТВ клип.
16.55 «Ватанамга
хизмат қиламан».
18.10 «Остонаси
тиллодан».
18.30 Мумтоз наволар.
18.40 «Тафсилот».
18.55 «ТВ Бинго
миллионер».
Телело-
терея.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 FCN «Ўзбекис-
тон янгиларлари»
(инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
артистлар.
21.45 «Осори атиқа-
ларимиз».
22.05 «Титаник».
Бадий фильм. 2-қисм.
23.40 «Ахборот-
дайжест».
24.00-00.05 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар
дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффус
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Давр»-репортаж
9.35 Тонгги сериал:
«Живз ва Вустер»
10.25 Саломатлик
сирлари
10.45 «Ўзбектеле-
фильм» студияси
намойиши: «Эхтирос-
ларга йўғрилган
ўйин»
11.05 Хонадон
11.25 ТВ-анонс
11.30 Қишлоқдаги
тенгдошим
11.50 «Ёлгон асираси».
Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусликий лаҳза-
лар
13.00 Давр
13.10 Болалар учун
фильм: «Зумрад ва
Кимматнинг янги
саргузаштлари». 1-
қисм
13.50 «Янги авлод»
почтаси
14.10 Интерфутбол

15.50 ТВ-анонс
15.55 Ўзбек мумтоз
шеърятидан
16.00 Давр
16.10 «Дала ҳовли».
Бадий фильм
17.35 Кўрсатувлар
дастури
17.40 «Янги авлод»
студияси: Еқимли
иштаха
18.00 Таянч
18.20 ТВ-адвокат
18.25 Ёшлар овози
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»- интер-
вью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Озод юрт
фарзандлари
20.10 Сув - ҳаёт
манбаи
20.15 Мусликий лаҳза-
лар
20.25 Ота-она излай-
ман
20.30, 21.20, 22.35
Эълонлар
20.35 «Ёлгон асираси».
Телесериал
21.25 Марди майдон
21.45 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Футбол-плюс
23.05 «Аёлнинг бир
макри». Бадий
фильм
0.45-0.50 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабар-
лари».
18.00, 20.50 «Эксп-
ресс» телегазетаси
18.15 «Билим» теле-
клуби.
18.30, 20.00, 21.05,
21.45 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал.
«Бебилиска пул».
20.20 «Туризм
ҳақида».
21.25 «Инсон ва
қонун».
22.05 «Ҳамшаҳарлар».
22.25 Кинонигоҳ.
«Мушкетёрлар 20
йилдан сўнг». 3-4-
сериаллар.
01.10-01.15 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»
(ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида).
9.00 «Болалар
спорт».

9.15 «Шоввозлар».
Мультсериал.
9.35 Каратэ. Халқаро
турнир.
9.55 Жаҳон спорти:
«Хоккей».
10.50 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпиона-
ти.
11.20-12.50 Л.Удович-
енко ва Н.Караченцов
«Хамма учун сеvim-
ли» фильмида.
13.00 Сузиш. Ўзбекис-
тон чемпионати.
13.20 Белбоғ кураш.
Халқаро турнир.
14.00 «Эртага фут-
бол».
14.10-14.40 «Баҳодир-
лар ўйини».
16.55 Кўрсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида).
17.15 «Спорт-ант-
ракт».
17.20 «Ҳазил кетидан
ҳазил».
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир
ювиш».
19.00 Премьера.
«Е.Романова: торго-
вий дилетант олиб
боради». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар
спорт».
20.45 «Универсиада-
2004».
21.00 «Хабарлар»

(ўзбек тилида).
21.15 «Бизнес-
ревью».
21.20 Теннис бўйича
Фючерс халқаро
турнири.
21.50 Кураш. Респуб-
лика турнири.
22.20 Жаҳон спорти:
«Еврофутбол».
23.55 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие про-
граммы 12.05 «Теле-
хамкор» 12.30 «Детс-
кий час» 13.00 «Ман-
густ», сериал 13.50 «В
Мире Спорта» 14.30 Ху-
дожественный фильм,
«Корабль лунный гон-
щик», остросюжетный
фильм 16.10 «Ошикона»,
мусикий дастури 16.30
«Агентство», юмористи-
ческий сериал 16.50
«Тайны мира», познава-
тельная передача 17.40
«Детский час» 18.00
«Теле-хамкор» 18.30
Киновечер на «30-м»:
«Американ бой», комедия
20.00 «Ошикона»,
мусикий дастури 20.20
«Мангуст», сериал 21.10
«Спокойной ночи малы-
ши» 21.30 «Теле-
хамкор» 22.10 Киновеч-
ер на «30-м»: «Доспе-
хи бога», комедия 24.00
Программа передач

Chorshanba

21

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто команда-
сининг сув ости
саргузаштлари».
Хужжатли телесериал.
9.50 Мусликий танаф-
фус.
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгилар.
10.05 «Тафсилот».
10.20 «Қизалоқ,
кинода ўйнашни
хоҳлайсанми?».
Бадий фильм.
11.35 «Рангин дунё».
11.55, 12.35 ТВ анонс.
12.05 «Хангома».
12.40 «Соз сеҳри».
13.00 «Кавингтон
Кросс». Телесериал.
13.50, 16.30 ТВ клип.
14.10 «Истеъмолчи».
14.30 Кундузги сеанс:
«Жаҳонгашта ри-
царь». Бадий фильм.
2-қисм.
15.15 «Ягона оилада».
15.45 «Ракслар

жилоси».
16.00 «Антика томо-
ша».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Туғилган
кун». Теленовелла. 2.
«Қизикарли учрашув-
лар»
17.35 «Ўзбектеле-
фильм» премьераси:
«Ўзбекистон кулол-
чилиги». «Кулол
мехри». 2-фильм.
18.10 «Хунарманд».
18.30 «Қўла, ёшли-
гим».
18.50 Репортаж.
19.00 ТВ клип.
19.05 «Ҳаёт ва
қонун»
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида).
20.00 «Оқшом эртак-
лари»
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот»
21.05 «Журналист
тахлили»
21.25 Санъат усталари
ва ёш ижрочилар
концерти.
21.45 «Оталар сўзи -

аклнинг кўзи».

22.45 «Ахборот-
дайжест»
23.05-23.10 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар
дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод»
студияси: Еқимли
иштаха
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал:
«Живз ва Вустер»
10.15 «Давр»- интер-
вью
10.30 Футбол-плюс
10.50 «Ўзбектеле-
фильм» студияси
намойиши: «Най»
11.05 Таянч
11.25 Сув - ҳаёт
манбаи
11.30 Озод юрт
фарзандлари
11.45 ТВ-адвокат
11.50 «Ёлгон асираси».
Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусликий лаҳза-
лар
13.00 Давр

13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун
фильм: «Зумрад ва
Кимматнинг янги
саргузаштлари». 2-
қисм
13.55 «Мехр кўзда».
Мақтубларга шарҳ
14.15 «Экспедиция».
Хужжатли сериал
15.05 Озун
15.30 «Ўзбектеле-
фильм» студияси
намойиши: «Алишер
Навий». 1-қисм
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Олтин маъбу-
да». Бадий фильм
17.25 Кўрсатувлар
дастури
17.30 «Янги авлод»
студияси: Оқ кабутар
17.50 Тенгдошлар
18.10 ТВ-адвокат
18.15 Ракурс
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Мусликий лаҳза
20.15 Очил дастури
20.35, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.45 «Ёлгон асираси».
Телесериал

21.30 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телека-
налида спорт дастури:
Ринг қироллари 23.35-
23.40 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар
тартиби
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз,
кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабар-
лари».
18.00, 20.45 «Экс-
пресс» телегазетаси.
18.15 «Мусликий
мехмонхона».
18.30, 20.00, 21.00,
22.30 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал.
«Бебилиска пул».
20.20 «Аёл қалби».
21.20 «Химоя».
21.40 «Дорихона
эшидади». Бевосита
мулоқот.
22.50 Кинонигоҳ.
«Шаҳарлик олифта-
лар»
00.55-01.00 Хайрли тун,
шаҳрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»

(ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида).
9.00 «Болалар
спорт».
9.15 «Шоввозлар».
Мультсериал.
9.35 «Кувнок старт-
лар».
10.10 Баскетбол.
Ўзбекистон чемпиона-
ти.
10.40 Белбоғ кураш.
Халқаро турнир.
11.20 «Бизнинг
қўшилар». Кинокоме-
дия.
12.50-13.40 «Кучли
бешлик». Англия.
16.55 Кўрсатувлар
тартиби
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида).
17.15 «Спорт -
антракт».
17.20 Премьера.
«Узига ҳослик».
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир
ювиш».
19.00 Премьера.
«Е.Романова: торго-
вий дилетант олиб
боради». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Болалар
спорт».

20.50 «Спорт -
менинг ҳаётим».
21.00 «Хабарлар»
(ўзбек тилида).
21.15 «Бизнес -
ревью».
21.20 Теннис бўйича
Фючерс халқаро
турнири.
21.50 Футбол. Европа
чемпионлар лигаси.
23.25 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие про-
граммы 12.05 «Теле-
хамкор» 12.30 «Детский
час» 13.00 «Мангуст»,
сериал 13.50 «В Мире
Спорта» 14.30 Художественный фильм,
«Доспехи бога», комедия
16.10 «Лучшие клипы»
16.20 «Агентство», ю-
мористический сериал
16.50 «Тайны мира»,
познавательная пере-
дача 17.40 «Детский час»
18.00 «Теле-хамкор»
18.30 Киновечер на
«30-м»: «Крокодил-2»,
фантастика 20.00 «Оши-
кона», мусикий дастури
20.20 «Мангуст», сери-
ал 21.10 «Спокойной
ночи малыши» 21.30
«Теле-хамкор» 22.10
Киновечер на «30-м»:
«Доспехи бога-2», ко-
медия 24.00 Программа
передач

Payshanba

22

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёра-
си»
9.00 1. «Туғилган
кун». Теленовелла.
2. «Қизикарли
учрашувлар»
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгилар
10.05 Алифбо
сабоқлари.
10.25 «Фликнинг
саргузаштлари».
Мультфильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Ҳаёт ва

қонун»
12.25 «Дунёни бола-
ларга берайлик».
12.50 «Ҳаракатда
баракат»
13.05 «Кавингтон
Кросс». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Журналист
тахлили»
14.30 Кундузги сеанс:
«Жаҳонгашта ри-
царь». Бадий фильм.
3-қисм.
15.15 «Мехр улашиб».
15.35 «Парху ву
франсе»
15.55 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Болалар ва
катталар». 2. «Сеҳрли
харфлар оролчаси».

17.00 «Умр мазмуни».
17.20 «Ўзбектелефильм»
премьераси: «Ўзбеки-
стон кулолчилиги»:
«Тупрокдаги мўъжи-
за» 3-фильм.
17.40 «Харита».
Халқаро шарҳ.
18.10 «Агар Сиз...»
Ток-шоу.
18.35 «Зийнат»
18.55 Мумтоз наволар.
19.05 «Соғлом она -
соғлом бола»
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 «Оқшом эртак-
лари»
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида).
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот.
21.45 Бир жуфт қўшиқ.
21.55 «Парламент
вақти».

22.15 «Қўли гул аёл».
Бадий фильм. 1-қисм.
23.20 «Ахборот-
дайжест»
23.40-23.45 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар
дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод»
студияси: Оқ кабутар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал:
«Живз ва Вустер»
10.15 «Ўзбекино»
тақдим этади: «Отбе-
ги»
10.35 Тенгдошлар
10.55 «Малика ва етти
баҳодир». Мультфильм
11.25 Ракурс

11.45 ТВ-адвокат
11.50 «Ёлгон асираси».
Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусликий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун
фильм: «Зумрад ва
Кимматнинг янги
саргузаштлари». 3-
қисм
13.55 Чемпион сирлари
(рус тилида)
14.20 Спорт-қитъаси
(рус тилида)
14.50 Саломат бўлинг
15.10 Автопатрул
15.30 «Ўзбектеле-
фильм» студияси
намойиши: «Алишер
Навий». 2-қисм
16.00 Давр
16.10 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури
17.00 ТВ-анонс
17.05 Кўрсатувлар
дастури
17.10 «Янги авлод»

студияси: Соғлом
авлод
17.30 Оғоҳлик - давр
талаби
17.50 2004-мехр ва
мурувват йили.
Кафолат
18.00 Ёшлар овози
18.20 Табобат оламида
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»- интер-
вью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Мусликий лаҳза-
лар
20.05 ТВ-адвокат
20.10 Саёхатнома
20.30 Ота-она излай-
ман
20.35, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.40 «Ёлгон асираси».
Телесериал
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр

22.40 ТВ-анонс
22.45 «Жаҳохир
полициячи». Бадий
фильм.
00.15-0.20 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТВда сериал.
«Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
17.55

лар». 22.10 «Бурч ва масъулият». 22.50 Кинонигоҳ. «Уй қамоғи». 00.40-00.45 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам

олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

9.00 «Болалар спорти».

9.15 «Шоввозлар». Мультсериал.

9.35 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.

10.05 «Майдон ортдаги одам».

10.20 Тазквандо. ITF.

10.30 «Кучли бешлик».

Испания. 11.20-13.10 Кинокомедия. 16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар» (рус тилида).

17.15 «Спорт-антракт».

17.20 «Шунчаки кулги».

17.50 «Клон». Сериал.

18.50 «Миллионга кир ювиш».

19.00 Премьера. «Е.Романова: терговни дилетант олиб боради». Сериал.

20.00 «Время».

20.35 «Нокаут».

21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

21.15 «Бизнес-ревью».

21.20 «Болалар спорти».

21.35 Теннис бўйича

Фьючерс халқаро турнири.

22.05 «Ўзбекистон полвонлар юрти».

22.45 Футбол. Европа чемпионлиги лигаси.

00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор»

13.00 «Мангуст», сериал

13.50 «В Мире Спорта»

14.30 Художественный фильм, «Доспехи бога-2», комедия 16.10 «Лучшие клипы» 16.20 «Агентство», юмористический сериал 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на

«30-м»: «Файл «вектор», остросюжетный фильм 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Мангуст», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Кикбоксер-3», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

Juma

23

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Болалар ва катталар». 2. «Сехрли ҳарфлар оролчаси».

10.00 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Вашингтон майдонидаги уй». Бадий фильм.

11.50 ТВ клип.

12.05 «Нурли манзиллар».

12.25 Ўзбекистон Куролли кучлари марказий ашула ва ракс ансамблининг концерти.

12.50 «Зийнат».

13.10 «Кавингтон Кросс». Телесериал.

14.10 Телемулоқот.

14.50 Кундузги сеанс: «Бахтли бўлиш осон эмас». Бадий фильм. 1-қисм.

15.50 «Иктидор». Телеуйин.

«Болалар сайёраси»: 16.40 1. «Еш юлдузлар».

2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.

17.40 «Ўзбектелефильм» премьераси: «Ўзбекистон кулолчилиги». «Хоразмининг нақшикор кулолчилиги».

18.10 «Сихат-саломатлик».

18.30 ТВ клип.

18.35 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!».

18.50 «Тафсилот».

19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустақамлиги йўлида».

19.25 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 «Дастурхон атрофида».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Муносабат».

21.35 «Қўшгимиз Сизга аرمугон».

21.55 «Олтин бешик».

22.25 «Кўли гул аёл».

Бадий фильм. 2-қисм. 23.30 «Ахборот-дайжест».

23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури

7.00 Давр

7.25 ТВ-анонс

7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури

8.30 «Янги авлод» студияси: Соғлолм авлод

8.50 ТВ-анонс

8.55 Иқлим

9.00 Давр

9.25 Тонгги сериал. «Живз ва Вустер»

10.15 «Давр»-интервью

10.30 Истиклол умидлари

10.45 Оғоҳлик - давр талаби

11.05 «Кўза». Телевизион бадий фильм

11.35 2004-мехр ва мурувват йили. Кафолат

11.45 ТВ-адвокат

11.50 «Елгон асира-си». Телесериал

12.30 Ёшлар овози

12.50 Мусикий лаҳзалар

13.00 Давр

13.10 ТВ-анонс

13.15 Болалар учун фильм: «Зумрад ва Кимматнинг янги саргузаштлари». 4-қисм

13.55 Мезон

14.15 «Экспедиция». Хужжатли сериал

15.05 Саёхатнома

15.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури

15.55 Ота-она излай-ман

16.00 Давр

16.10 «Холодильник-да кимдир бор». Бадий фильм

17.20 Кўрсатувлар дастури

17.25 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри

17.45 Томир

18.05 Аскар мактубла-ри

18.25 Кишлоқдаги тенгдошим

18.45 ТВ-афиша

18.50 Олтин мерос

18.55, 21.55 Иқлим

9.00 Давр

19.35 ТВ-анонс

19.40 Мусикий лаҳзалар

19.50 Бедор қалб. Хамид Фулом. Видеофильм. 1-қисм

20.10 Минг бир ривоят

20.15 Давр. Миллий хавфсизлик

20.35 21.25, 22.35 Эълонлар

20.40 «Елгон асира-си». Телесериал

21.30 2004 - Мехр ва мурувват йили. Азизим

21.50 Олтин мерос

22.00 Давр

22.40 ТВ-анонс

22.45 Кинотакдим

23.05 «Ёшлар» телека-

налида спорт дастури: Интерфутбол

0.40-0.45 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернанда».

17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

17.55 «Хориж хабарлари».

18.00, 20.40 «Экс-пресс» телегазетаси.

18.15 «Саломат бўлинг».

18.30, 20.00, 21.15, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.20 ТВда сериал. «Бибилска пул».

20.20 «Хайрли оқшом».

20.55 «Навбатчи қисм».

21.35 «Ибрат».

22.20 Кинонигоҳ.

«Гулливернинг саёхати». 1-2 сериялар.

00.50-00.55 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш

дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

9.00 «Болалар спорти».

9.15 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.

9.45 «Федерация фаолияти».

10.00 «Белида белбоғи борлар».

10.15 «Дадиллик учун соврин».

10.40 Триатлон. Осиё чемпионати.

11.00 «Дунёга назар».

11.30-13.00 «Sport TV» да кино: «Хизматкорнинг сингисиси». Бадий фильм.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар» (рус тилида).

17.15 «Спорт-антракт»

17.20 Хужжатли фильм.

17.50 «Кучли бешлик». Италия.

18.40 «Спорт-клуб».

18.50 «Мўжизалар майдони».

20.00 «Время».

20.30 «Маҳорат кирралари».

21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

21.15 «Бизнес-ревью».

21.20 «Болалар спорти».

21.40 Теннис бўйича

Фьючерс халқаро турнири.

22.10 «Ўзбекистон полвонлар юрти».

22.50 Жаҳон спорти: Футбол. УЕФА кубоғи.

00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Мангуст», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Кикбоксер-3», остросюжетный фильм 16.10 «Ошикона», мусикий дастури 16.30 «Юмористическая передача» 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Крикун», триллер 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса 21.10 «Лучшие клипы» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Проект - А - 2», комедия 24.00 «Ночной канал» - «Предание», фантастика

Shanba

24

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ анонс.

8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Еш юлдузлар».

2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.

10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустақамлиги йўлида».

10.20 «Мусиқа дунёси».

10.40 «Бу турфа олам».

11.30 «Олтин бешик».

12.00 «Бахтли бўлиш осон эмас». Бадий фильм. 2-қисм.

13.35 Эстрада тароналари.

13.55 ТВ анонс.

14.00 «Тафсилот».

14.15 Б.Исломов.

«Кўш фарзанди - Спитамен». Хамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти драма ва мусиқа театрининг спектакли.

1-қисм. 15.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Дурдаршан».

16.10 Б.Исломов.

«Кўш фарзанди - Спитамен». Хамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти драма ва мусиқа театрининг спектакли. 2-қисм.

17.05 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».

17.35 «Ихзор».

Мусикий дастур.

17.55 «Қалб гавҳари».

18.15 «Табият шифохонаси».

18.25 «Рангин дунё».

18.45 «Қишлоқ ҳаёти».

19.05 ТВ клип.

19.10 «Ўзлотто».

Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 FCN «Ўзбекис-

тон янгиликлари» (инглиз тилида).

20.30 «Ахборот».

21.05 «Ғап чикди».

21.45 Бир жуфт кўшиқ. «Тунги ёғду». Дам олиш дастури

21.55 «ҚиноТеатр».

22.15 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Вассаби». Бадий фильм.

23.40 «Ахборот-дайжест».

24.00-00.05 Ватан тимсоллари

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури

7.00 Давр

7.25 ТВ-анонс

7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури

8.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри

8.50 ТВ-анонс

8.55 Иқлим

9.00 Давр

9.25 Табобат оламида

9.50 Мусикий лаҳзалар

10.00 Давр. Миллий хавфсизлик

10.20 Томир

10.40 «Елгон асира-си». Телесериал

11.20 Қўтлмаган меҳмон

11.40 Болалар учун фильм: «Зумрад ва

Кимматнинг янги саргузаштлари». 5-қисм

12.20 Жаҳон мусикаси хазинасидан. П.Чайковский. «Таппон хоним» («Пиковая дама») операси

15.10 Интерфутбол

16.50 Кишлоқдаги тенгдошим

17.10 Кўрсатувлар дастури

17.15 Меҳмонхона

17.35 Дунё ажойибот-лари

17.45 Бола тилидан

18.15 Бизнес-академия

18.35 Каталог

18.45 ТВ-афиша

18.50 Олтин мерос

18.55, 21.55 Иқлим

19.00 Давр

19.35 «Давр» - репортаж

19.45 ТВ-анонс

19.50 Бедор қалб. Хамид Фулом. Видеофильм. 2-қисм

20.10 Сув - ҳаёт манбаи

20.15 Оҳанрабо

20.55, 22.35 Эълонлар

21.00 «Ёшлар телека-налида премьераси: «Телбалик». Бадий фильм (Хиндистон)

22.00 Давр

22.40 «Телбалик». Бадий фильм. (давоми)

0.00-0.05 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби

17.20 Болажонлар экрани.

17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

17.55 «Мультичархпа-лак».

18.15 «Хусусийлашти-риш: қадам-бақа-дам».

18.35 «Жаҳон геогра-фияси».

19.05, 20.25 «Экс-пресс» телегазетаси.

19.20 «Экран зийнати ва қиймати».

19.50 «Афиша».

20.10 «Мисли гавҳар».

20.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

21.10 «Нима учун?».

21.40 «Бахтли бўлинг».

22.25 Кинонигоҳ.

«Анойи».

00.10-00.15 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

9.00 Мультфильм.

9.10 «Лаззат».

9.30 «Мухаббат хикоялари».

10.00 «Ғолиблар авлоди». В.Харламов.

11.00 «Янгиликлар».

11.10 География тарихидан: Хашаротлар қушандаси.

12.10 «Болалар спорти».

12.30 «Футбол мунди-ал».

13.00 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба».

13.20 «Ақллар».

14.00-15.00 Жаҳон спорти: «Профф - РИНГ».

16.35 Кўрсатувлар тартиби.

16.40 «Бинафша».

17.00 «Хабарлар» (рус тилида).

17.15 «Болалар спорти».

17.30 Ил қўшиғи. Баҳор.

19.00 «Ким милли-онер бўлишни истайди?». Телеуйин.

20.00 «Время».

20.20 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.

20.50 «Спорт- менинг ҳаётим».

21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

21.15 «Ўзбекистон ифтихорлари».

21.30 «Эртага фут-бол».

21.40 «Спорт-клуб».

21.50 «Олтин грам-мофон».

22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».

00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Приключения Уоллеса и Громита», мультфильм 11.30 «Окно в мир» - документальный фильм 12.00 «Проект - А - 2», комедия 13.40 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса 14.30 Индийское кино: «С любовью не шутят» 17.00 «Дикая планета», познавательная передача 17.40 «Лучшие клипы» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Смерть среди айсбергов», драма 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Спорт - экстрим».

Yakshanba

25

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 «Она меҳри».

11.20 «Бу турфа олам».

12.10 «Лаззат сеҳри».

12.40 «Мусиқа ва театр».

13.00 «Ғап чикди».

13.40 ТВ анонс.

13.45 «Анъаналар атади давом». Мусикий дастур.

14.20 «Қорақалпоқ-нома».

14.40 «Шов-шув». Хажвий кўрсатув.

15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек».

4. «Гардашлиг дунёсинда».

16.20 «Портретга чизгилар».

«Болалар сайёраси»:

16.40 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тоғ». Телевизион уйин.

17.40 Юртимиз гўзал масканлари: «Чодак».

17.55 «Куйла, ёшлигим».

18.10 «Экран хандаси».

18.40 «Шахсий фикр».

19.10 «Бизнес ҳафта».

19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар

19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).

20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

20.30 «Тахлилнома».

21.15 2004 йил - Мехр ва мурувват йили. «Ободлик кўнгилда-дир».

21.40 Дуторчилар ансамблининг концер-ти.

«Якшанба кинозали»:

22.00 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Сўнги маготаба». Бадий фильм.

23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури

7.00 Давр

7.25 ТВ-анонс

7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури

8.30 Меҳмонхона

8.50 «Қора қуён». Мультфильм

9.00 «Давр»-репортаж

9.10 Кинотакдим

9.30 Томорка

9.40 Оҳанрабо

10.20 Очил дастурхон

10.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури

11.20 «Ёшлар» телека-налида ҳарбий-ватанпарварлик дастури 1.Марди майдон. 2.Аскар мактублари

12.00 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал уйин

12.50 «Шрек». Мультфильм

14.10 ТВ-анонс

14.15 2004 - Мехр ва мурувват йили. Азизим

14.40 «Экспедиция». Хужжатли сериал

15.30 Ринг қироллари

16.20 Минг бир ривоят

16.25 Оила тилсими. Матёқуб Қўшонов. 1-қисм (такрор)

16.45 Дунё ажойибот-лари

16.55 ТВ-анонс

17.00 Оила тилсими. Матёқуб Қўшонов. 2-қисм

17.25 Хуш келибсиз

17.50 Кўрсатувлар дастури

17.55 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси

18.15 Мульттомоша

18.30 Спорт ҳафтано-маси

18.45 ТВ-афиша

18.50 Олтин мерос

18.55, 21.55 Иқлим

19.00 «Давр» - news

19.20 ТВ-анонс

19.25 Келинг, қулишай-лик

19.35 Сув - ҳаёт манбаи

19.40 Дилшод Раҳмонов қўлайди

20.00 «Заковат» интеллектуал уйини

20.55, 22.30 Эълонлар

21.00 «Ҳеч нарсани кўрмайман, ҳеч нарсани эшитмайман». Бадий фильм

21.50 Олтин мерос

22.00 «Давр» ҳафта ичида

22.30 «Ҳеч нарсани кўрмайман, ҳеч нарсани эшитмайман». Бадий фильм. (давоми)

23.15-23.20 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби

17.20 Болажонлар экрани.

17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

17.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами».

19.35 «Жаҳон геогра-фияси».

20.05 «Шунақа гаплар». Хажвий кўрсатув.

20.25, 21.40 «Экс-пресс» телегазетаси.

20.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

21.10 «Тенгдошлар».

21.55 «Дугоналар».

22.15 «ТВ плюс».

22.45 Кинонигоҳ.

«Бахтли воқеа».

00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

9.00 «Полвон бўлмоқ-чиман».

9.10 Д.Криловнинг «Йўлда ёзилмаган

кайдлари»

9.30 «Хамма уйдали-гида»

10.00 «От ҳақида афсона».

10.30 «Кувнок старт-лар».

11.05 «Спорт-антракт»

11.10 «КВН-2004»

13.20 «Рақибингиз гроссмейстер».

13.35 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.

14.05-14.55 Гол. Диего Марадона.

15.55 Кўрсатувлар тартиби

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

«Локомотив» - «Сурхон». Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).

17.50 «Спорт - антракт».

18.00 Эстрада юлдузлари: «Энг севимли тароналар» концерт дастурида.

20.00 Жаҳон спорти: «Теннис».

21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида).

21.15 «Халқ уйинла-ри».

21.35 Теннис бўйича

Фьючерс халқаро турнири.

22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

«Навбахор» - «Трактор».

22.50 «Экстрим спорт».

23.05 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».

00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Сказка о мёртвой царевне», мультфильм 11.30 «Теле-хамкор» 12.00 «Идеальный мир», триллер 13.40 «Детский час» 14.30 Дневной кинозал: «Лучше не бывает» комедия 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Девять ярдов», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Спорт - экстрим» 20.40 «Теле-хамкор» 21.10 «Пещера золотой розы», сериал 22.10 Воскресный кинозвезд на «30-м»: «Профессионалы», вестерн 24.00 Программа передач

17 апрель – Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари куну



СУРАТЛАРДА: Тошкент тумани ИИБ ЁХБнинг ўт ўчирувчилари иш фаолиятдан лавҳалар.

ҲАМИША ХУШЁРМИЗ

Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин» деган гап бор. Ёнгиндан муҳофаза қилиш ходимларининг фаолияти ҳамиша ҳам осон кечмайди. Четдан қараганда кишига ҳар ким бажара ола-

диган оддий ишдек туюлади, ҳаётда эса у бунинг мутлақо аксидир. Бу хизмат шундай масъулиятлики, кишидан жасурлик, қўнт, ирода ҳамда матонат талаб қилади.

Зеро, ёнги бешафқат офатдир, у мустақил давлатимиз ва халқимиз бойлигини ҳамда яхши ниятлар билан меҳнат қилиб, фуқароларимиз йиққан бисотини бир зумда кулга айлантириши ҳаммамизга аён. Ёнг ачинарлиси, бундай фожиаларда инсонлар ҳам нобуд бўлади.

Шу боисдан ҳам ёнги хавфсизлиги хизмати ходимларининг жамиятимизда ўз ўринлари бор.


Бизнинг асосий вазифамиз, халқ хўжалиги, корхона, муассаса, ташкилот, аҳоли турар-жойларида ёнги хавфсизлигини таъминлаш, ёнги содир бўлса, инсонлар ҳаётини, халқ мулки ва миллий бойликларни ўт балосидан сақлашдир.

Вилоят ёнги хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги ходимлари ёнгиларнинг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг қўламда олиб бормоқдалар. Ўтган уч ой мобайнида вилаетимизда 379та ёнги қайд этилди. Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимларининг олиб бораётган профилактик ишларига қарамай, айрим масъул ходимлар, корхона, хўжалик ва муассаса мутасаддиларининг лоқайдлиги туфайли ҳамон фалокат-

ларнинг олдини тўлиқ олиб бўлмаётир. Халқ хўжалиги корхоналарида хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, электр ва газ тармоқларидан фуқароларимизнинг ўзбошимчилик билан фойдаланиши, назоратсиз қолдирилган болаларнинг гуғурт ўйнашлари, баъзи кимсаларнинг ичкиликбозлиги ва сигарета чекишда эҳтиётсизлиги ёнгилар чиқишига асосий сабаб бўлмоқда.

Вилоят ёнги хавфсизлиги бошқармаси ва жойлардаги бўлинмаларининг ходимлари ўз фаолиятларини янада такомиллаштириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Айни кунларда вилаетимиз шаҳар ва туманларида ёнгиларни ўчириш учун замонавий техникалар жорий этилапти. Уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш бора-сида ҳам кўп ишлар олиб борилмоқда.

Ёнги хавфсизлиги ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонламоқдалар. Шу муносабат билан айтиш мумкин-ки, улар мустақил Ўзбекистон



бойлигини ва мол-мулкини сақлашда бундан буён ҳам ўзларига боғлиқ барча чора-тадбирларни амалга ошираверадилар. Ёнг муҳими, масъулият — виждон бурчи эканлигини унутмайдилар.

Тошкент вилаети ёнги хавфсизлиги бошқармаси.

Sport • Sport • Sport • Sport •

ТЕННИС. Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Федерация кубогининг Осиё минтақаси биринчи гуруҳ саралаш беллашувларига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.



Мураббий Шомил Чеботарёв жамоага иқтидорли ёш теннисчиларни жалб қилган. Федерация кубоги баҳсларида терма жамоа сафида Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроилова, Элина Арутюнова ҳамда Влада Яхшибарова кортга чиқади. Таниқли теннисчимиз Ирода Тўлаганова жароҳати боис терма жамоа ўйинларида иштирок этолмайди.

Федерация кубоги мусобақаси 19-26 апрель кунлари Хиндистоннинг Дехли шаҳрида ташкил этилади. Осиё минтақаси биринчи гуруҳидан Ўзбекистон, Хитой, Хиндистон, Хитой Тайпейи, Индонезия, Жанубий Корея, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппин ва Таиланд терма жамоалари жой олган.

Терма жамоамиз Хиндистонга 15 апрель куну жўнаб кетди. Рақиб жамоа номи қуръа ташлаш маросимидан сўнг аниқланади.

КИКБОКСИНГ. Пойтахтимиздаги «Барбар» спорт клубида кикбоксинг бўйича икки рейтинг учрашуви ташкил этилди.

Биринчи жангда кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони, 2003 йилда Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби Маматкул Тўхтаев ҳамда иқтидорли спортчи Фарҳод Юсупов ўзаро куч синашди. Тўрт раунд давом этган беллашувда Фарҳод Юсупов тажрибали рақибни устидан ғалаба қозонди.

Иккинчи жангда кикбоксинг бўйича кўпқарра мамлакат чемпиони, жаҳон чемпионати ғолиби Алишер Абдуллаев Сухроб Мусаевга қарши рингга чиқди. Баҳс тажриба ва маҳорат бобида рақибидан анча устун бўлган Алишер Абдуллаев фойдасига ҳал бўлди.

ОҒИР АТЛЕТИКА. Қозоғистонда ўтган оғир атлетика бўйича

Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Игорь Халилов штангани даст ва силтаб кўтариш баҳсларида умумий ҳисобда 412,5 килограмм натижа кўрсатиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Игорь Халилов Ўзбекистон терма жамоаси сафида жамоадозлар Александр Уринов ва Ботир Усмонов билан бирга Афина Олимпиадасида ҳам иштирок этади.

СУЗИШ. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуининг сув спорти саройида сузиш бўйича Ўзбекистон очик чемпионати бошланди. Мусобақада Қирғизистон, Қозоғистон ва Германиядан келган спортчилар ҳам иштирок этмоқда.

Ушбу чемпионатда муваффақиятли қатнашган спортчилар етти та олимпия лицензиясини қўлга киритиши мумкин. Эрақлар ва аёллар ўртасидаги мусобақа 16 апрель куну якунланди.

ОТ СПОРТИ. 26 апрель-2 май кунлари Тошкент шаҳрида от

спорти бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилади. Мусобақада чавандозлар тўсиқлардан сакраш, уч кураш ва от йўрттириш бўйича беллашади.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибига киритилган чавандозлар 13-16 май кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ташкил этиладиган жаҳон кубогининг биринчи босқич мусобақаларида иштирок этади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири.

2004 йил 6 апрель куну ўтказилган аукцион савдосида Паркент тумани ҳудудида сатҳи 0,04 гектар бўлган ер майдони 130.000 сўмга сотилди.

2004 йил 29, 31 март ва 2 апрель кунлари ўтказилган биржа савдоларида Қибрай тумани, Бекобод шаҳри ҳудудида жойлашган 8 та нодавлат қурилиши тугалланмаган бинолар жами 2.492.000 сўмга, Чирчиқ, Бекобод шаҳри, Юқоричирчиқ, Қибрай, Паркент туманлари ҳудудида жойлашган 18 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 60.054.500 сўмга сотилди. Шунингдек, Олмалиқ шаҳрида жойлашган 1 та давлат кўчмас мулк объекти 2.267.300 сўмга сотилди.

2004 йил 5, 7 апрель кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани, Бекобод шаҳри ҳудудида жойлашган 10 та нодавлат қурилиши тугалланмаган бинолар жами 32.310.000 сўмга ва Чирчиқ, Ангрен шаҳри, Юқоричирчиқ, Қибрай, Пскент, Бўка туманлари ҳудудида жойлашган 8 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 77.690.000 сўмга сотилди. Қибрай туманида жойлашган 1 та уй-жой биноси 1.200.000 сўмга сотилди. Шунингдек, Ангрен шаҳрида жойлашган 1 та давлат кўчмас мулк объекти 2.219.200 сўмга сотилди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LINI» MCHJ

Сизларни **2004 йил 18, 25 майда соат 12.00 да** ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилаети, Чирчиқ шаҳри Охунбобоев кўчаси, 19-уйда жойлашган Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли «Нотураб жой»нинг 181,22 квадрат метрга тенг бўлган қисми.

Бошланғич баҳоси – 2.758.560 сўм.

2. Оҳангарон тумани марказий касалхонасига қарашли Оҳангарон шаҳар 1-кичик туманида жойлашган, «Болалар сўт ошхонаси» биноси ва мулклари.

Бошланғич баҳоси – 18.476.136 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объекти савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик гаров пулини қабул қилиш савдо

бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат орденини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Toshkent viloyati baholash va konsalting Markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилает ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar



Eng
so'nggi
xabarlar

КОДЛАРНИ ЯШИРГАНИ УЧУН

Америка округ суди «Microsoft» компанияси иши бўйича олиб борилаётган жараён мобайнида у ўз муолажа тизимлари кириш кодларини тулиқ очиб бермаяпти, деган хулосага келди. Бу баёнот монополияга қарши даъволар бўйича олиб борилаётган суд мажлисларининг навбатдаги баёнотмасида ўз аксини топди. Маълумки, яқинда суд қарорига мувофиқ «Microsoft» ўз муолажа тизимлари кодларини фаш этишга мажбур бўлган эди. Бу нарсда дастурий таъминот ишлаб чиқувчи бошқа мутахассислар мазкур компания маҳсулотларига бемалол кира олиши учун амалга оширилганди.

УКРАИНА: НОМЗОД ТАНЛАНДИ

Украина Радаси кўпчилик овоз билан мамлакат президенти лавозимига номзод танлади. Бундай шарафга Украина бош вазири Виктор Янукович сазовор бўлди. Унинг номзодини илгари суриш ҳақидаги қарор парламент кўпчилигини ташкил этувчи фракциялар ва партиялар раҳбарлари учрашувида қабул қилинган эди. Учрашувда Украина президенти Леонид Кучма ҳам иштирок этди. Мамлакат конституциясига мувофиқ президент сайловлари 2004 йил 31 октябрда бўлиб ўтади.

ТАЙВАНЬ:

МАХФИЙ ДАСТУР ДОИРАСИДА

Тайвань ҳукумати раҳбарлари қитъадаги Хитой ҳудудидаги нишонларни махв этувчи ўз ракеталарини яратишни режалаштиришмоқда. Кичик ва ўрта масофаларга учувчи ушбу ракеталарни ишлаб чиқиш «Тичин» махфий дастури асосида олиб борилапти. Тайванддаги фан ва технологиялар институти мутахассислари Шанхай ва Гонконгга етиб борадиган «ер-ер» тоифасидаги ракеталарни яратишга интилаётлар.

РОССИЯ:

РЎЙХАТГА ОЛИНИШИ ШАРТ

Россия марказий банки мамлакат фуқароларининг хорижда очадиган ҳисоб рақамларини солиқ муассасаларида рўйхатдан ўтишини мажбурий қилиб қўймоқда. Шу билан бирга банк ҳисоб рақами очиш мумкин бўлган мамлакатлар рўйхатини анча кенгайтириб, хорижга ўтказиш мумкин бўлган пул миқдорини қисман кўпайтирди. Янги қоидалар 18 июндан кучга киради.

АҚШ: ВАКЦИНА ХАРИД ҚИЛИНМОҚДА

АҚШ ҳукумати зудлик билан миллий захира-ларни тўлдириш учун табиий чечакка қарши янги вакциналарни катта миқдорда сотиб олмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, янги вакцина, мавжудларидан фарқли ўлароқ, ўта хавфли инфекциядан ҳеч қандай салбий оқибатларсиз самарали муҳофаза қила олади. Клиник синовлар MVA бир хилда самарали ва хавфсиз, айниқса, аҳолининг аввалги препаратлар билан эмлаш мумкин бўлмаган 30 фоизи учун гоёт маъқул эканлигини кўрсатди. Аммо янги вакцинани ишлаб чиқариш миллиардлаб доллар маблағни талаб қилади. Ундан кўра янги эмлаш воситасини харид қилган осонроқ.



Венеция кўчаларида.

Шарҳловчи минбари

ШАРОННИНГ ЯНГИ ТИНЧЛИК РЕЖАСИ

Яқин Шарқ минтақасидаги низоларни ҳал этиш жараёни оғир кечмоқда. Томонларнинг барчасига маъқул келувчи таклифнинг ишлаб чиқилиши анча мураккаб масалага айланиб қолди.

Исроил бош вазири Ариэл Шароннинг муаммо-ни ҳал этиш мақсадида АҚШ президенти Жорж Бушга тақдим этган режаси қандай натижага олиб келиши ҳозирча ноаниқ бўлиб турибди.

А.Шарон Исроилни Фаластиндан бир ёқлама ажратиш таклифини илгари сурмоқда. «Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Газо минтақаси ва Иордан дарёсининг гарбий соҳидаги яҳудийларни Исроилга кўчириш режалаштириляпти. Бироқ бу ерларнинг бўшатиб берилиши Фаластиннинг батамом мустақил бўлишини англабмайди. Исроил ҳукумати гарбий соҳилдаги Маале-Адумим, Ариэл, Гуш-Эцион, Гиват-Зеэв Кирят-Арба туманларида ва Хеврон шаҳридаги Эл-Халил мавзусида ўз назоратини сақлаб қолиш ниятида.

Шарон ўзининг мазкур режасини исроилликларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсади билан изоҳламоқда. Унинг сузларига қараганда, Фаластин

маъмурияти ўз ҳудудида террорчилик ҳаракатларига барҳам бермаяпти. Бош вазирнинг режасини Исроил аҳолисининг олти миш фонизга яқини қўллаб-қувватляпти. Бироқ қарши чиқаётганлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, А.Шарон етакчилиги қилувчи «Ли-куд» партиясининг баъзи нуфузли вакиллари яҳудийларни Газодан олиб чиқиш-ни террорчи гуруҳларга ён бериш, деб баҳоламоқда. Жорий йилнинг 2 майида мазкур партиянинг 200 минг кишилиқ аъзоси орасида референдум ўткази-лиши режалаштирилган. Унда Фаластиндан ажра-лиш режасининг тақдири ҳал этилади.

Миср президенти Хусний Муборак Ариэл Шароннинг режасига муносабат билди-риб, яҳудийларни кўчириш Фаластин маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга оширилиши ва бу Газо-Миср чегарасида нотинчликларга олиб келмаслиги кераклигини таъкидлади. Иордания подшоҳи Абдуллоҳ Иккин-чи эса Исроилнинг бир томонлама ажратилиши Фаластин ҳудудида вазият-ни чигаллаштиришидан ва оқибатда Иорданияга қўлаб қочқинлар кириб келишидан хавфсираётгани-ни айтди.

Фаластинликларнинг бир қисми А.Шарон режасини ўзларининг галабаси сифа-тида қабул қилди. Бироқ уларнинг аксарияти буни 1967 йилда Исроил томони-дан эгалланган ҳудудларни қайтаришга тўсиқ бўлади, деб ҳисобляпти. Шу боис Фаластин маъмурияти Исроилдан «Йул харитаси» низомларини бажаришни ҳамда икки томонлама тинчлик музокараларини йўлга қўйишни талаб этаётир.

Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

СИРЛИ СЕДНА

Бундан бир ой муқаддам америкалик олим-лар томонидан кашф этилган, Куёш тизими чек-касидаги Седна кичик сайёрасининг йўлдоши йўқ кўринади. Уни кашф этган мунажжимлар планетоид орбитасида ой ҳам топиш илминжи-да эдилар. Седнанинг ўз ўқи атрофида жуда су-ст айланиши (кичик сайёранинг бир куни за-минимизнинг 20 дан 50 гача кунига тўғри кела-ди) шундай тахмин учун сабаб бўлган эди. Би-роқ Hubble орбитал те-лескопи ёрдамида олинган фотосуратлар тахлили ушбу тахмин-нинг пуч эканлигини кўрсатди.



АЁЛЛАР ШАЪНИ ХИМОЯЧИСИ


Испанияда эркак киши суд қарорини инкор этиб, ўзининг собиқ рафиқаси ёнига 500 метрдан кам-роқ масофага яқинлашса, полиция пультага таш-вишли хабар етказувчи асбоб яратилди. Унинг их-тирочилиари мазкур «электрон айғоқчи» ўзининг ҳозирги ёки собиқ эрлари қўлида ҳалок бўлаётган юзлаб испан аёллари ҳаётини қутқариб қола-ди, деб умид қилмоқ-далар. «Электрон ай-ғоқчи» ишлаб чиқариш ҳуқуқини сотиб олган Мадрид ҳокимияти маз-кур асбоб нафақат Ис-панияда, балки, бутун жаҳонда қўл келишидан умидвор.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДАВОСИ... ЧУВАЛЧАНГ

Айова штатидаги университет тадқиқотчи-лари ичак шамоллаши хасталикларини пара-зит куртлар ёрдамида даволашни таклиф этаё-тирлар. Олимларнинг фикрича, маълум турда-ги тирик куртларнинг минглаб туҳумларини ютиш орқали Крон хасталиги ва ярали колит-дан лос бўлиш мум-кин эмиш. Шундан кейин чу-валчанг ва куртлар ту-хуми га қирон кела-ди, шекил-ли.



Хомура

ЎЗИ СЕВГАН ЭЛНИНГ ЭРКАСИ ЭДИ...

Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми-йўқми мен!..
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.



Шоир Муҳаммад Юсуф ёш кўшиқчи Достон Убайдуллаев билан «Тошкент ҳақиқати» тахририяти меҳмони (тахририят архивидан).

Уч йилдирки, биз баҳорни халқнинг эъзозли шоири Муҳаммад Юсуфсиз қаршилаяпмиз. Шоир баҳорни, гўзалликни яхши кўрарди. «Лабим босайинми чўкиб пойинга» дея бинафшани алқаса, «Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб» дея қизғалдоқни ардоқларди. Муҳаммад Юсуфсиз баҳор ғарибдек, бинафшаю қизғалдоқларни ҳам биров эсламаётгандек...

Болалигимдан ижодий давраларда, адабий гурунларда кўп бора иштирок этганман. Ховлимиз Дўрмондаги ёзувчилар бонига яқин бўлгани учун жуда кўп машҳур ёзувчи-шоирлар бизникида тез-тез меҳмон бўлиб туришарди. Таниқли ижодкорлар Аҳмаджон Мелибоев, Аҳмад Хўжа, Маҳмуд Тоир, Тўлқин Эшбек, Шарифа Салимовалар билан бўлган мулоқотларни соғиниб эсламан. Бу суҳбатлар одатда, адабий баҳсларга, ўтли мушоираларга улашиб кетарди.

Ана шундай издиҳомларда баъзан Муҳаммад Юсуф ҳам иштирок этиб қолар ва албатта давраларнинг гулига айланарди. Шоирнинг самимият тўла сатрларини ҳар ким бўлакча эътибор билан тинглар, шеърларига юқори баҳо беришарди. Яратган шоирга юксак истеъдод бериш билан бирга файз деган илоҳий неъматини ҳам инъом этгандики, у иштирок этган ҳар қандай даврага файз киритишга қодир эди.

Муҳаммад Юсуфнинг сиймосини ҳеч унутолмайман. Келишган бўй-баста, маънос, сирли боқувчи кўзлари, бироз бўғиқ, ширали овозда шеър ўқишлари ханузгача

ўз оҳорини тўкмасдан, қандай бўлса шундайлигича тасаввуримда турибди.

Кейинчалик катта-катта сахналарда, минглаб мухлислар йиғилган давраларда, халқнинг тўй-ҳашамларида эл сеvimли шоирини қандай қаршилаганини кўриб, унинг буюклигига, шеърининг илоҳий эканлигига ишондим. «Одамлар шеър эшитмай кўйди, шеър ўқимай кўйди», деган гапсўзлар беҳуда эканлигини билдим. Одамлар шеърят билан ҳамиша ошно. Фақат битта шарт, бунинг учун Муҳаммад Юсуфдек шоир бўла олиш керак, холос...

Такрор айтаман, у халқнинг юрак-юрагидан жой олган шоир эди. Такрор айтишимнинг сабаби саволингизни кутаяпман, нега шундай эди? Дунёда инсоннинг кўнглидан нозик нарсаси йўқ. Кўнглидагини топиб ёзиш, кўнглига етказиб ёзиш, кўпнинг дарди билан ёзиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун ижодкор ҳеч бўлмаганда, «Кимда ҳам кўп бўлса — у менинг онам!» дея олишга қодир бўлиши керак.

Бундан 5-6 йил олдин Олмалик шаҳрида Муҳаммад Юсуф билан ижодий учрашув бўлиши ҳақида эшитиб, ўша ерга отландим. Ҳақиқий шеърят байрами бўлганлиги ўзим. Ўша файзли кеча олмаликликларнинг ёдидан хануз кўтарилмаган бўлиши шубҳасиз.

Мингга яқин мухлис йиғилган клуб сахнасида Муҳаммад Юсуф чиқиб келганида барча ўрнидан туриб узок вақт қарсақлар билан олқишлагани, шоир шеър ўқиётганда, пойини гуллар билан тўлдириб ташлагани эсимда.

Ёшу қари тинмай хат орқали саволу дил-изҳорларини йўллашар, вақти чегараланган шоирни кўйиб юборишмас, ўқилаётган шеърларнинг тугаб қолишини истамас эдилар. Шоир шу шеърини ўқиганда одамларнинг олқишу ҳаяжонидан санъат саройининг шифти кўчиб кетаётганди:

**Майлида, кимгадир ёқса-ёқмаса,
Уларга кўшилиб йиғлашармидик,
Биз бахтли бўламиз Худо хоҳласа
Худо хоҳламаса учрашармидик?**

**Райҳон ҳидларингни
йўлларимга сен,
Кут мени ҳар оқшом, кўкка
ой чиққан.
Фақат йиғламагин гуноҳим
не деб**

**Айбинг — онанг сени
чиройли туққан!..**

Ўша кунги учрашув тафсилотлари, унда ўқилган шеърлар шаҳар газетасида кўш саҳифа бўлиб чоп этилди. Ундан сўнг яна бир хабарни ўқидик: учрашувдан таъсирланиб, катта ҳаяжон билан қайтган бир инсон бир кун олдин туғилган фарзандига Муҳаммад-Юсуф деб исм қўйибди...

Тошкентга шоирнинг машинасида қайтдик. У кишининг уйлари бешинчи қаватда экан. Даста-даста гуллару совға саломларни кўтариб лифтга чиқдик. У ерда бизга бир рус қизи (ўша кўп қаватли уйлاردан бирида турса керак) ҳамроҳлик қилди. Шоир ҳалиги қизга самимият билан бир нималар деб, кўлларидаги гулларни тутқаздилар. Энг чиройли гулдастани ўзларида қолдирдилар: «Буниси янганга», деб қўйдилар кўйиб.

Рус қизи қаршисидаги инсон

Ўзбек халқининг буюк шоири эканини биларкан чоғи, Муҳаммад Юсуфнинг бу лутфи учун қандай ташаккур билдиришини билмай қолди. Ўша кун шоирнинг ўзим ўйлаган ва билганимдан ҳам буюк, айна пайтда самимий, содда инсон эканлигини англадим. Улар билан яна кўплаб учрашшани, оташин шеърларини ўз тилидан эшитишни чин дилдан орзу қилдим. Бироқ...

Бироқ бу бахт менга бошқа насиб қилмади. У кишининг вафоти ҳақида эшитиб, юрагим ларзага келди. Миллионлаб мухлислари қатори армонда қолдим. Ҳар сафар шоирнинг ўз дастхати туширилган китобини кўлимга олганимда, бир ўқиб кўяман. Худонинг иродаси-ку, лекин Муҳаммад Юсуф ҳали яшаши керак эди. «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» дея қўйлаб ўтгани, жонидан севгани — шу озод Ватанда яшаш, унинг порлоқ келажagini кўришга у киши кўпроқ муносиб эди.


Бир нарсаси менга таскин беради. Чакмоқдек ёниб, халқнинг юрагига беиз кетмаган Муҳаммад Юсуфнинг улкан истеъдоди ва ижоди, ватан олдидаги фидойилиги у тириклик чоғида муносиб баҳоланди. Шоир эл-юртнинг юксак хурматини, эҳтиромини кўрди. Ўзи севган элнинг эрка-тойи бўлиб яшади, шу эъзоз қано-тида ижод қилишга улгурди. У энг ёш халқ шоири эди.

Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари ҳали неча-неча келажак авлодлар юрагини ҳаяжонга солишига ишонаман.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Болалик bog'i

KITOBJONIM



**Betlaringni varaqlab,
Orom olaman har on.
Kitobjonim sen bilan,
Kunim o'tar bearmon.**

**Olam-olam quvonchdir,
Sehring menga, kitobjon.
Hech tengi yo'q ishonchdir,
Mehrning menga, kitobjon.**

**Sen-la do'stlashganimdan,
So'zlarimda bor ma'no.
Sen sababli maktabda,
O'qiyman doim a'lo!**

Asom ZIYOMAT.

Биласизми?

Нима учун «сув куйгандек жим-жит» ибораси ишлатилади? Агар сув юқоридан пастликка қуйилса, шариллаб тушади. Аммо шудгорга қуйилса, жим-жит оқади. Сувнинг товуши чиқмайди. Сув қуйилган далаларда ҳашаротларнинг товушлари ҳам бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, одамлар янги ибора яратганлар. Бир жойда тинчлик бўлса, «сув куйгандек жим-жит» дейишади.

Қаҳратон қишда қурбақаларнинг айрим турлари очик жойларда қишлар экан. Маълум бўлишича, қурбақаларнинг бу турлари қиш бошланаётганда ўз териларида спиртли антифриз синтез қилишар экан. Ҳозиргача бундай қурбақаларнинг уч тури топилган. Улар кишининг совуқ кунларида ҳам устларига япроқ ёпиниб, бемалол яшайверишади.

Ўрта асрларда қўл соатини оёққа тақиб юришган. Олифталар уни тиззаларига боғлаб, кўз-кўз қилишган. Дастлабки механик соатларни отда олиб юришган, унинг тўғри кўрсатишини отбоқар кузатган. Бесўнақай қадоқтош ўрнига майда тош ўрнатиш йўли топилгач, қўл соат пайдо бўлган. Лекин, ўша қўл соатини чўнтакда эмас, бўйинга ёки қоринга боғлаб юришган. Соатсозлар юрак, ошқозон, капалак, гулнуса соатлар ишлаб чиқаришган. Узукка ўрнатилган, зирак соатлар ҳам бўлган. Қулоққа тақилган соатга унинг эгаси қарай олганидан соатни энг қулай жой — қўлга тақиб расм бўлган.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА
тайёрлади.

РАССОМ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Бадиий академия Марказий кўргазмалар залида
Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромов
таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.



Китобат санъатининг етук намо-яндаси Искандар Икромовнинг бади-ий асарларни шарқона услубда бе-заган бетакрор расмлари бугунги ёш мусаввирлар учун ижод мактаби ва-зифасини ўтамоқда.

И.Икромовнинг Абу Райҳон Беру-ний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Лут-фий, Алишер Навоий, Заҳириддин

Бобур каби буюк сиймолар асарла-рига ишлаган безаклари ўзбек мил-лий китобат санъати довуғини на-фақат мамлакатимизда, балки хориж-да ҳам маълум ва машҳур этган. Унинг она табиятимиз манзаралари-ни жозибали бўёқларда акс эттирган рангтасвир асарлари ҳам санъат их-лосмандларига яхши таниш.

ЎЗА.



Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 17 апрель кун Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим туманларда ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Акмал Икромов туманидаги «KARVON SERVIS XIZMAT» МЧЖ (ОКПО 17514364) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бош-лаб 2 ой давомида 170-62-76, 170-62-59 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги педагогика билим юртини 1989 йилда Альфия Саматовна Гереева битирганлиги ҳақидаги 084509 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Янгийўл кино-видео» ОТАЖ «Янгийўл кино-ви-део» МЧЖга **АЙЛАНТИРИЛДИ.**

Собир Раҳимов ширкат хўжалигидаги 14-урта мак-таб томонидан 1993 йил-да Наргиза Эркиновна Ал-матова номига берилган 278054 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти дезинфекция станция-си жамоаси Чирчиқ шаҳар дезинфекция станцияси бош врач-и Собиржон Толиповга волидаи мухтарамаси **РАҲБАР АЯНИНГ** вафот этганлиги муно-сабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.